230496

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

19 апрель, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 77 (1330)

*ЖАН КЛОД РИШАР:*

## ТАРИХАН ҲАМКОРЛАРМИЗ



***Франция — кўҳна ва мафтункор юрт. Инсоният руҳи улуғворлиги ва тафаккур гулшанини бағрига жо айлаган диёр. У қадим-қадимдан ўзининг жамоли, бетакрор маданияти ва осори-атиқалари билан дунё аҳлини ром этиб келмоқда. Машҳур файласуф, олим, ёзувчию хонандалар ватани Франция — бугун жаҳондаги иқтисодий, сиёсий, илм-фан, маданият соҳаларидаги тадбирларда фаол иштирок этаётган давлатлардан бири.***

***Тарихга назар солсак, Ўзбекистон-Франция муносабатлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини кузатиш мумкин. Гарчанд, турли қитъаларда жойлашган бўлса-да, икки мамлакат халқлари ҳамкорлигига жуғрофий сарҳадларнинг узоқлиги ҳам тўсиқ бўлолмади. Икки халқ ўртасидаги савдо-сотиқ ишлари ва расмий алоқалар соҳибқирон Амир Темур замонидаёқ йўлга қўйилган эди. Бу нафақат икки халқни, балки Шарқ билан Ғарб дунёсини янада яқинлаштиришга хизмат қилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йил кузида Францияга давлат ташрифи халқларимиз ўртасидаги ана шу яқин алоқалар анъанасини қайта тиклади. Давлатимиз раҳбарининг Францияга навбатдаги сафари арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод РИШАР билан суҳбатлашди.***

**— Элчи жаноблари, айтингчи, Франция ташқи сиёсатида Ўзбекистон қандай ўрин тутади?**

— Франция Марказий Осиё минтақасидаги сиёсатида Ўзбекистонга алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистон минтақадаги иқтисодий жиҳатдан энг барқарор давлат десам муболаға бўлмайди. Қолаверса, Франция Ўзбекистонга ўзининг Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкори сифатида қараб, узоқни кўзлаб иш юритаяпти. Ҳатто, Франция Республикаси Миллий кенгаши ва Сенатида «Франция-Ўзбекистон» депутатлар гуруҳи тузилган. Элчихонамиз қошида эса Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ташкил этилган.

Ҳар қандай муносабат заминида иқтисод ва ўзаро манфаатлар ётади. Иқтисод эса ўз навбатида тадбиркорларга таянади. Сўнгги пайтларда француз ишбилармонлари Ўзбекистон билан жиддий қизиқиб қолдилар. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарали натижалар бераётгани, бу ерда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт-шароитлар француз ишбилармонларини руҳлантирмоқда. Парижда улар ташаббуси билан икки мамлакат ҳамкорлиги бўйича махсус гуруҳ фаолият бошлади. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Франция учун муҳим иқтисодий ва сиёсий ҳамкорга айланиб бораётир.

**— Француз фирмалари Ўзбекистонда икки мамлакат имкониятлари даражасида фаолият юритаяптиларми?**

— Дарҳақиқат, жуда ўринли савол бердингиз. Тан олиш керак, мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган иқтисодий ҳамкорлик ҳали мавжуд имконият даражасида эмас. Француз фирмалари Ўзбекистон бозорида масалан, германиялик рақобатчиларидан анча ортда қолаяпти. Немис тадбиркорларининг бу борадаги муваффақиятини мен Германия билан анъанавий алоқаларда деб биламан. Лекин, француз ишбилармонларини ҳам қўл қовуштириб ўтирибди, деб бўлмайди. Айни вақтда 20 га яқин француз фирмаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Бухорода бунёд этилаётган нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бўйича ўтказилган халқаро тендерда француз фирмаси ғолиб чиқди. Бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилганига эса бир йил бўлди. Завод қурилиши бўйича тузилган лойиҳанинг фақатгина технология қисми 260 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Ана шу маблағнинг тенг ярми француз ишбилармонлари сармоясидир. Франциялик банк эгалари ҳам Ўзбекистон билан манфаатли ҳамкорликни бошлади. Айни вақтда «Сосьетеженерал», «Креди комерсиаль де франс», «Париба» каби йирик француз банклари Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Уларнинг баъзилари, ҳатто Ўзбекистонда ўз ваколатхонасига эга.

Ҳозирги қилинаётган ишларнинг бари — катта ҳамкорликнинг бошланиши. Французларда «Париж бир кунда қурилгани йўқ» деган мақол бор. Шундай экан, ҳамкорлигимиз истиқболи ҳали олдинда. Ҳамкорлик ва дўстлик борасидаги куч-ғайратларни эса бирлаштириш вақти келди.

**— Ўзбекистон раҳбарининг Францияга сафаридан қандай натижалар кутилмоқда?**

— Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, Президент Ислом Каримовнинг Францияга ташрифи самарали бўлади. Айни вақтда Парижда ушбу сафарга катта тайёргарлик кўрилаяпти. Маълумки, икки йил муқаддам Ўзбекистон раҳбарининг Францияга ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асос яратилди. Бўлажак ташриф эса икки мамлакат муносабатларида янги қирраларни очади. Буни Парижда имзоланадиган битимлардан ҳам билса бўлади. Жумладан, ташриф давомида экспорт маҳсулотларига икки томонлама солиқ солмаслик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш ҳамда дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги ўнга яқин бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланади.

Биз бир-биримизни бутун кашф этаётганимиз йўқ — тарихан ҳамкорлармиз. Лекин, сўнгги беш йил ичида биз яна ҳам «яхшироқ танишиб» олдик. Шу боис, бундан буён имзоланадиган ҳар бир янги ҳужжат муносабатларимизни янада мустаҳкамлайди, ўзаро манфаатли ҳамкорликка хизмат қилади. Бу борадаги фикрларимиз ҳам муштаракдир.

**— Ўзбекистон Президентининг Францияга ташрифи Парижда буюк саркарда ва давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ юбилей тадбирлари ўтказилаётган пайтга тўғри келди. Айтингчи, Францияда соҳибқирон Амир Темур шахсига муносабат қандай?**

— Дарҳақиқат, Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизга сафари чоғида Парижда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» деб аталган Ўзбекистон ҳафталиги бошланади. Бир вақтнинг ўзида ЮНЕСКО раҳнамолигида саркарда Амир Темур юбилейига бағишланган конференция ўтказилади. Хуллас, бу кунлар нафақат Ўзбекистон ва Франция, балки бутун Европа ҳаётида катта воқеа бўлади.

Маълумки, ўрта асрларда соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида бир-бирларига мактуб йўллашган. Буни Франциялик ҳар бир мактаб ўқувчиси тарих дарсликларидан яхши билади. Умуман, Амир Темур шахсига нисбатан французларнинг ҳурмати баланд. Тасаввур қилинг, дунёни ярмига ҳукми ўтадиган жаҳонгир Европа мамлакатлари орасида, айнан, Франция билан дўстона алоқаларни ўрнатишга аҳд қилди. Бу ўз навбатида Франциянинг ўрта асрларда Европада тутган катта мавқеидан дарак беради. Француз олимларининг бир неча авлоди узоқ йиллардан буён Темур ва Темурийлар даври ҳақида илмий-тадқиқот ишлари олиб борадилар. Парижда дунёнинг бошқа бирор мамлакатида қиёси бўлмаган — «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш Франция-Ўзбекистон маданий алоқалари уюшмаси» фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозир уюшманинг «Темурийлар» номли журнали ҳам нашр этилади. Журнал француз ўқувчисига, асосан, Темур ва Темурийлар замонаси, умуман, Ўзбекистон тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Унда машҳур тарихчи олимларнинг мақолалари чоп этиб борилади. Шуниси қувончлики, нашрнинг оммавийлиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Уюшма раиси, машҳур француз Темуршуноси Люсьен Керэн Ўзбекистоннинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланиши икки мамлакат ўртасидаги фан ва маданият соҳасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шуни ҳам айтиш керакки, Париждаги катта театрлардан бири апрель ойининг охирларида соҳибқирон Амир Темур ҳаётига бағишланган янги асарни мухлисларга ҳадя этади.

Хулоса қилсак, Президент Ислом Каримовнинг Францияга сафари икки мамлакат дўстлигини янада мустаҳкамлайди, халқларимиз ўртасидаги борди-келдини ривожлантиради. Ўзбеклар сўзи билан айтганда, меҳр-оқибат кучаяди.

**Сангин ЖАББОРОВ суҳбатлашди. (ЎзА).**

---

*• Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси олдидан*

## ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗДИР

**Амирқул РАҲМОНОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро ҳуқуқ факультетининг III курс талабаси.**

**«Халқ сўзи» анкетаси:**

***1. Бугун парламентимиз олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат, деб ҳисоблайсиз?***

***2. Олий Мажлис бешинчи сессияси муҳокамасига киритилган қайси масала хусусида фикр юритмоқчисиз?***

***3. Қонунларнинг ижроси учун ўзингизни қанчалик дахлдор, деб ҳисоблайсиз?***

— Маълумки, қабул қилинган ёки қилинаётган қонунларнинг пухта, ҳаётий ҳамда адолатли бўлиши парламентимизнинг бош мақсади ва энг муҳим вазифасидир. Айни пайтда унинг фаолиятига қараб давлатимиз ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ҳаёт шитоб билан ўтиб бормоқда. У билан баробар қадам ташлаш, қонунларнинг ҳаётий, долзарб бўлиши учун уларни вақти-вақти билан ўзгартириб туриш, қўшимчалар киритиш талаб қилинади. Шунингдек, менинг назаримда уларнинг тили ва ифода услубини ҳам янада соддалаштириш керакка ўхшайди. Қадимги Рим сиёсий арбоби ва файласуфи Сенека таъбири билан айтганда, қонун — содда, лўнда тилда ифодаланиши лозим, токи уни энг одми одамлар ҳам ёдда тутсинлар. Менимча, қонун чиқаришда масаланинг шу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур.

2. Барчамизга яхши маълумки, жорий йилда халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 5 йиллигини кенг нишонлайди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган давр мобайнида республикамизда кескин ўзгаришлар юз берди, чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Россия сиёсий саҳнасида вужудга келган вазият бизни мустақилликни мустаҳкамлаш сари янада дадил қадамлар қўйишга, ягона куч бўлиб бирлашишга ва ҳаракат қилишга, ватанимиз мустақиллигига дарз етказадиган ҳар қандай кучга қарши туришга ундайди. Шу маънода Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида кўрилиши кўзда тутилаётган «Миллий хавфсизлик тўғрисидаги» қонун лойиҳаси эътиборга лойиқдир.

3. Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг 5 та муҳим тамойилини кўрсатиб берди. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устиворлиги тамойилидир. Қаердаки қонунларга амал қилинадиган, унинг нормалари бажариладиган бўлса, ўша жойда тартиб-интизом ва осойишталик бўлади. Қонунларга итоат этиш барчамиз учун мажбурият, айни пайтда фуқаролик бурчимиздир. Унга жамиятда қанчалик амал қилиниши ҳаммамизга бирдек боғлиқ. Ҳар биримиз қонун ижроси учун масъулдирмиз. Буюк файласуф Гераклит айтганидек, «Қонун халқнинг таянчи, уни ҳимоя этувчи қўрғондир. Бу қўрғонни муҳофаза қилиш шарт».

Шундай экан, қонун ижросини таъминлаш учун барча бирдек қайғуриши лозим. Бунинг учун эса, уларни ўрганиш ва ҳуқуқий билимларни мунтазам ошириб бориш зарур. Буларсиз ҳуқуқий давлат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳуқуқий давлатни ҳуқуқий саводхон фуқаролар қуради.

---

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

***Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалари кенгайиб бормоқда. Бу мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ортиб бораётганидан, танлаган тараққиёт йўлимизнинг давлат арбоблари, сиёсатшунослар томонидан тобора эътироф этилаётганидан далолатдир.***




Президент Ислом Каримов Фармонига биноан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам кенг нишонланади. Жумладан, 22 — 27 апрель кунлари ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида ана шу қутлуғ санага бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва таълимнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида ҳафталик ўтказилади. Бу мазкур халқаро ташкилотнинг теран тарихимизга, бой маданий меросимизга бўлган эътибори рамзидир.

Ана шу байрам арафасида «Ўзбекистон» нашриёти ЮНЕСКОнинг Бош директори Федерико Майорнинг «Келажак хотираси» номли асарини чоп этди. Асарда атоқли олим ва жамоат арбобининг чуқур фалсафий қарашлари, дунёни янада мукаммал кўриш истагидан туғилган орзу-умидлари, инсон ва табиат муносабатларининг нозик қирралари хусусидаги ўйлари ўз ифодасини топган. Билимнинг инсон ва жамият ҳаётидаги беқиёс ўрни, маданий меросга муносабат, тараққиёт баробарида атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасидаги фикр ва мулоҳазалари баён этилган.

«Келажак хотираси» китоби Парижда Амир Темур ҳафталиги кунлари кенг китобхонлар оммасига тақдим этилади.

**(ЎзА)**

---

## ИСЛОМОБОДДАГИ АНЖУМАН

***Покистон пойтахтидаги энг йирик «Мэриотта» меҳмонхонасида буюк саркарда Амир Темур таваллудига бағишланган тантанали анжуман бўлиб ўтди.***

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги элчихонаси ҳамда мамлакатдаги темурийлар жамияти фаоллари ташаббуси билан ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Наим Ғоибов Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, темурийлар даврида фан ва маданият ҳамда савдо алоқалари хусусида сўзлади.

Анжуман иштирокчилари Покистон ва Марказий Осиё халқлари ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, шунингдек маданий алоқаларнинг ривожланишида Амир Темурнинг хизматлари беқиёс эканини қайд этишди.

## ЧАВАНДОЗЛАР МАЙДОНГА ТУШДИ

***Сурхондарё вилоят отчопарида от спорти бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчи спартакиадаси бошланди.***

Унда тўққиз вилоятдан таниқли чавандозлар иштирок этмоқда. Бир ҳафта давом этадиган беллашувда республика ва халқаро тоифадаги спорт усталари қатори ёш чавандоз йигит-қизлар ҳам куч синашади. Мусобақа дастуридан чавандозликнинг от ўйнатиш, тўсиқлардан сакраш, ўттиз километрлик масофада мураккаб табиий тўсиқлардан ўтиш каби турлари ўрин олган.

## ЯНГИЛИКЛАР

*Кеча, бугун, эртага*

**«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қиладилар**



***Саттор Йўллиев Ангор туманидаги К.Тўлакова номли жамоа хўжалигида оз эмас, кўп эмас қирқ йил тер тўкиб меҳнат қилди. У нафақага чиққанда ҳам тиниб-тинчимади: ҳозирда хўжаликдан ижарага ер олиб, фермерлик билан шуғулланаётир. Бу ишда унга икки ўғли ва уч қизи кўмакдош.***

***Саттор бобо 20 сотих майдонга карам экиб, иссиқхонада мўл ҳосил етиштирди. Умумий майдоннинг қолган қисмига помидор, бодринг ва картошка экинлари етиштирилади.***

***СУРАТДА: Саттор бобо ўғли Абдужаббор билан.***

## ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ ОЛДИДАН

***Ўзбекистон Республикаси Футбол федерациясида олий лига ва биринчи лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон бешинчи миллий чемпионати очилишига бағишланган учрашув бўлди.***

Чемпионат 20 апрель куни бошланади ва олий лигада 16 та, биринчи лигада эса 27 та футбол командаси беллашади.

Журналистлар билан учрашувда Республика Футбол федерацияси бош котиби Зокир Қурбонов сўзга чиқиб, бу йилги футбол чемпионати Республика Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз футболини юқори даражага кўтариш учун «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган йилда бўлиб ўтишини таъкидлади.

Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ўйинлари жадвали ҳамда ҳакамларнинг ишига янгича ҳақ тўлаш, «Пахтакор» командасининг 40 йиллиги юбилейини нишонлаш ва «Пахтакор-79» хотира мусобақасини ўтказишга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## ХАЙРЛИ ТАКЛИФ

***Эрон кутубхоналарида темурийлар даврига оид форсий тилда ёзилган кўплаб адабиётлар ва ҳужжатлар сақлаб келинмоқда.***

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтига ташриф буюрган Теҳрон ва Шероз университетларининг темуршунос олимлари ўзбекистонлик ҳамкасбларига Ўзбекистон ва Эронда сақланаётган соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ва фаолиятига тегишли қўлёзмаларнинг тўлиқ рўйхатини тузиб, биргаликда тадқиқ этишни таклиф қилишди.

## УШБУ СОНДА:



**2** БИЗНЕС МАКТАБИ — МЕНЕЖМЕНТ НИМА?

**3** ТАЛМОВСИРАШ — МАЪНАВИЯТ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

**4** ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ДЕБОЧАСИ — САРҲАДЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

---

***Колибактериоз шу пайтгача паррандаларнинг кушандаси эди. Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган яна учта вакцина илмий ва амалий синовдан муваффақиятли ўтди: энди бу кушандага «қирон» келадиган бўлди.***

***М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Сулаймон Юдаков таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлди.***

***Кечада таниқли бастакорлар, артистлар, санъатшунослар Сулаймон Юдаковнинг улкан истеъдоди, тинимсиз ижодий меҳнат натижасида Ўзбек опера санъатига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида гапиришди.***

***Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театри жамоаси Ф.Богдановнинг «Тунги меҳмон» драмасини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Уни республикада хизмат кўрсатган артист Ёдгор Саъдиев саҳналаштирди. Драмада ҳар қандай жиноят жазога маҳкум экани, одамлар доимо бир-бирига ишонч билан яшаши лозимлиги ҳикоя қилинади.***

## СУВЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИ

***Бухорода сув сифатини ошириш масалаларига бағишланган халқаро кенгаш бугун ўз ишини якунлайди.***

Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳукуматлари вакиллари ва АҚШлик мутахассислар иштирок этмоқдалар.

Анжуман Америка халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) ташаббуси билан ўтказиляпти. Уч кун давомида унинг қатнашчилари Марказий Осиёда, жумладан, Орол минтақасида сувнинг сифатини ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиб, бу борада дастур ишлаб чиқдилар.

***Тошкент отчопарида жойлашган машина бозори талабга жавоб бермаслиги, торлиги туфайли янги жойга — «Сирғали-6» даҳаси ҳудудига кўчирилди.***

***Янги бозорнинг ер майдони 14 гектардан иборат бўлиб, унга 4000 та машина сиғади.***

***Наманганда ўз-ўзини бошқарув органларининг фаолияти якунлари ва уларга бўладиган навбатдаги сайловга тайёргарлик масалаларига бағишланган вилоят семинар-кенгаши бўлиб ўтди.***

